

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**БОЗОРОВ РУСЛАН ХАМДАМОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Бозоров Руслан Хамдамович**

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни  
такомиллаштириш..... 3

**Бозоров Руслан Хамдамович**

Совершенствование обеспечения финансовой устойчивости  
коммерческих банков..... 25

**Bozorov Ruslan Khamdamovich**

Improvement of ensuring the financial stability of commercial banks..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати..... 49

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**БОЗОРОВ РУСЛАН ХАМДАМОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ўт948 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Бекмуродов Адхам Шарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Омонов Ақром Абдиназарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Эшов Мансур Пулатович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Ғафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.К. Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тижорат банклари молиявий барқарор бўлиши ҳар қандай шароитда улар фаолиятининг бардавомлиги, мижозлар талабига мувофиқ барча банк операцияларини амалга ошириш имконини беради. Рисклилик даражаси ошиб бориши, глобал коронавирус пандемияси шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва локомотив сифатида тижорат банклари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш айниқса бугунги қийин шароитда катта аҳамият касб этади. «2018 йил якунларига кўра, активлар рентабеллик даражаси Wells Fargo (АҚШ) банкида 1,1 фоизни, Сбербанк (Россия Федерацияси) 3,2 фоизни ва ICBC (Хитой Халқ Республикаси) 1,5 фоиз бўлишига эришилган»<sup>1</sup>. Тижорат банклари рентабеллик даражаси, капитал етарлилиги, ликвидлилик меъёри ва кредитлар бўйича яратилаётган захира миқдори орқали тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ турли муаммоларнинг олди олинади.

Жаҳонда, глобал коронавирус пандемияси даврида мамлакат тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур масаланинг амалий ва услубий асосларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида банклар томонидан кредитлар ажратиш, фоиз ставкалари юзасидан турли имтиёзлар бериш, муаммоли кредитларни самарали бошқариш, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни камайтириш, соф фоизли даромадлар салмоғини кенгайтириш, кичик бизнес ва масофавий хизматларни ривожлантириш борасидаги муаммолар тадқиқи орқали мазкур жараёнлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш, банклар активлари ва пасивлари таркиби, банклар рентабеллик даражасини ошириш, мавжуд банк рискларини самарали бошқариш заруратини юзага келтирди. Хусусан, банклар капиталлашув даражасининг сустиги ва ялпи капиталда давлат улуши юқорилиги, банклар ҳажми ва уларнинг рентабеллик даражаси бир меъёрда эмаслиги, кредитларга эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира миқдорининг юқорилиги сингари омиллар тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашга таъсир этмоқда. Шунга кўра, «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»<sup>2</sup> муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

<sup>1</sup>Wells Fargo. Annual Report 2018. Сбербанк России. Годовой отчёт за 2018 год. Industrial and Commercial Bank of China. Annual Report 2018.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль //Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. - №6 (766). - 32 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг назарий-методологик асоси сифатида хизмат қилди.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Дж.Синки, П.Роуз, О.Лаврушин, Г.Фетисов, Г.Коробова, О.Овчинникова, А.Бец, С.Уразов, Г.Меликьян, Ю.Вешкин, Г.Авагян, П.Шальпанов, О.Литун, Д.Корнилов, Е.Короткова, А.Леонтьев, Н.Овчинникова, И.Стемповский<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

---

<sup>3</sup>Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. пер. с англ.- Дж. Синки, М. Алтина Бизнес брукс, 2007-1018 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. – М.: Дело-ЛТД. 1995.-743 с.; Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики. Монография. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2014.-37 стр.; Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы. – М.: Финансовая академия, 2002.; Коробова Г.Г. Банковское дело: учебное пособие. – М.: Экономистъ, 2008. - С.29.; Овчинникова О.П., Бец А.Ю. Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы. // Финансы и кредит. 2006. № 22.; Уразов С.А. Устойчивость банковской системы: теоретические и методологические аспекты // Банковское дело. 2006. № 12.; Меликьян Г.Г. Актуальные вопросы капитализации, устойчивости и конкурентоспособности российского банковского сектора. URL: <http://www.cbr.ru/publ/moneyandcredit/melikyan.pdf>.; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: Магистр.-2018.; Шальпанов П.А. Управление ликвидностью: механизм прогноза денежных потоков банка. // Банковское дело. -2014.-№9. -56-60 стр.; Литун О.Н. Стратегия банковской реструктуризации: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – СПб., 2002, стр.-205; Корнилов Д.Т. Устойчивость банковской системы в условиях рыночной конкуренции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ярославль. -2005. -23 стр.; Короткова Е.А. Устойчивость банковской системы России и ее обеспечение. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Волгоград. -2005. -24 стр.; Леонтьев А.Б. Финансовая устойчивость банковской системы Российской Федерации в условиях концентрации капитала банков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Самара, 2013. - 22 стр.; Овчинникова Н.Э. Адаптивная устойчивость банковской системы в условиях глобальной финансовой нестабильности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орел, 2014. -23 стр.; Стемповский И.А. Обеспечение финансовой устойчивости банковской системы Российской Федерации в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2013. -27 стр.;

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева, Б.Бердияров, Т.Бобакулов, Н.Жумаев, О.Иминов, Ё.Махмудалиева, А.Омонов, Ф.Мирзаев, О.Саттаров, Т.Қоралиев ва бошқаларнинг илмий ишларида тижорат банклари барқарорлигини айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган<sup>4</sup>. Аммо маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш мустақил диссертация тадқиқоти объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банклари молиявий барқарорлигининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш кўрсаткичлари мажмуидан фойдаланган ҳолда эконометрик таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

---

<sup>4</sup>Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2000.-46 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2002.-21 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2008.-45 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2008.-35 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2002.-38 б.; Махмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2001. -22 б. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. -41 б.; Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. – Т., 2018.-42 б. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. / А.А. Омонов, Т.М. Қоралиев. – Т.: Иқтисод-молия, 2012.-324 б.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банклари, жумладан Миллий банк, Ўзсаноатқурилиш банк, Микрокредит банк ва Туронбанк ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга оширишда қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик, эконометрик, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

банк активлари сифатини ошириш, муаммоли кредитларни самарали бошқариш, банкнинг самарасиз харажатларини камайтириш орқали банк активлари рентабеллиги (ROA) кўрсаткичини ошириш асосида тижорат банклари активлари оптимал таркибини шакллантириш имкониятлари асосланган;

давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар ресурс маблағларини мустақил равишда жалб этиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банклари кредитлари бўйича яратилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдорининг банк ўртача активларига нисбати, банк рентабеллик кўрсаткичлари ҳамда соф фоизли маржа меъёрий талабларини бажариши уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши асослаб берилган;

тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, уларнинг техник-иқтисодий асосномасини таҳлил қилиш, соф жорий қиймат (NPV)ни аниқлаш, кредит бўйича банк фоиз ставкасининг юқори чегарасини кўрсатадиган фойданинг ички меъёри (IRR)ни ҳисоблаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда улар фаолиятига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

тижорат банклари активлари оптимал таркибини шакллантириш бўйича илмий-амалий таклифлар асосланган;

банкнинг капитал етарлилик коэффиценти билан бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар максимал даражаси, 1-даражали капитал етарлилик коэффиценти ҳамда барча эмитентлар устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларига қилинган умумий инвестициялари ўртасида корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш асосида муҳим тенденциялар аниқланган;



Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги улар таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга асослангани, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотларидан олингани, шу билан бирга тегишли хулоса ва таклифларнинг тижорат банклари томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан мамлакат тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

тижорат банклари активлари сифатини ошириш, муаммоли кредитларни самарали бошқариш, банкнинг самарасиз харажатларини камайтириш билан боғлиқ таклифлар “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ Кенгашининг 2018 йил 24 январдаги 4/2018-сонли қарорида инobatга олинган (“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБнинг 2020 йил 19 февралдаги 01-07/1082-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2018 йилга нисбатан банк активлари рентабеллиги даражаси 0,3 фоизли пунктга, банк соф фойдаси миқдори эса 85,7 млрд.сўмга ошган;

тижорат банклари акционерлик капиталини банк активлари умумий суммасига нисбатини Базель тавсияларидан кам бўлмаган миқдорига эришиш, банклар капиталлашув даражасини унинг активлари ўсиш миқдоридан кам бўлмаган даражада ошириб бориш орқали банк капитали рентабеллик кўрсаткичини ошириш таклифи “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ Кенгашининг 2018 йил 24 январдаги 4/2018-сонли қарорида инobatга олинган (“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБнинг 2020 йил 19 февралдаги 01-07/1082-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Ўзсаноатқурилишбанк” капитали

рентабеллиги кўрсаткичи (ROE) 2018 йилга нисбатан 0,7 пунктга, банк капитали ҳажмини 424,9 млрд. сўмга ошган;

тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, уларнинг техник-иқтисодий асосномасини таҳлил қилиш, бир неча босқичда молиялаштиришни талаб этадиган лойиҳа бўйича соф жорий қиймат (NPV)ни аниқлашни такомиллаштирилган ҳисоблаш усулини жорий этиш таклифи “Туронбанк” АТБ Кенгашининг 2017 йил 21 декабридаги К-150-сонли қарори билан 2018 йил учун ишлаб чиқилган “Инвестиция сиёсати”га киритилган (“Туронбанк” АТБнинг 2020 йил 13 февралдаги 11/02-79-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банк активлари таркибида инвестициялар ҳажми олдинги йилга нисбатан 1,2 баробарга ошиб, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 40,3 млрд. сўмни ташкил этган;

олинаётган кредит бўйича банк фоиз ставкасининг юқори чегарасини кўрсатадиган фойданинг ички меъёри (IRR)ни аниқлашни такомиллаштирилган ҳисоблаш усулини жорий этиш таклифи “Туронбанк” АТБ томонидан “Туронбанк” АТБ Кенгашининг 2017 йил 21 декабридаги К-150-сонли қарори билан 2018 йил учун ишлаб чиқилган “Инвестиция сиёсати”га киритилган (“Туронбанк” АТБнинг 2020 йил 13 февралдаги 11/02-79-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар олдинги йилга нисбатан 13,5 баробарга ошиб, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 6,1 млрд. сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг таркиби 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари, тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методологияси ҳамда банклар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий фикрларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

банклар молиявий барқарорлиги банкларга ташқи таъсирлардан қатъий назар уларнинг асосий ва янги пайдо бўлувчи функцияларини бажаришида акс этади;

турли хил салбий ташқи омилларнинг таъсири натижасида банклар тенглик аввалги ҳолатига, мустаҳкам позициясига қайтиши;

банклар молиявий барқарорликка икки жиҳатдан ёндашиш лозимлиги, уни микродаражада ва макродаражаларга ажратган ҳолда эришилади. Микродаража банклар молиявий барқарорлиги – банкларнинг ҳар қандай шароитда мижозлар билан боғлиқ мақсад ва вазифаларини бажаришда банк фаолияти ҳаётийлигини, давомийлигини таъминлаш, макродаражада банклар молиявий барқарорлигини иқтисодиёт турли субъектлари билан боғлаган ҳолда банк тизими турли иқтисодий қийинчиликларнинг олдини олиши, тизим барқарорлигини таъминлашда кўринади;

банклар даромадларининг улар харажатларидан ошган қисми сифатида баҳоланади;

ички ва ташқи омилларга қарши турган ҳолда банк ресурсларини трансформация қилиш ҳамда рискларни самарали бошқаришда ўз функцияларини амалга оширишида намоён бўлади<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup>Овчинникова О.П., Бец А.Ю. Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы. // Финансы и кредит. 2006. № 22.; Уразов С.А. Устойчивость банковской системы: теоретические и методологические аспекты. // Банковское дело. 2006. № 12; Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: Магистр.-2018.; Меликьян Г.Г. Актуальные вопросы капитализации, устойчивости и конкурентоспособности российского банковского сектора. XVI-Международный банковский конгресс.

Тадқиқотда асосий эътибор “барқарорлик”, айниқса “молиявий барқарорлик”, “хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарорлиги” эмас, аксинча “тижорат банклари молиявий барқарорлиги”га қаратилган.

Навбатда тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва унинг асосий турлари акс эттирилган жадвал келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларида акс этган тижорат банклари барқарорлигининг турлари исталган тижорат банкларида учрайди ва уни банклар ўзаро боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил қилиб боради ва ўрганади.

### 1-жадвал

### Тижорат банклари барқарорлиги ва унинг турлари<sup>6</sup>

№	Барқарорлик турлари	Мазмуни
1.	Молиявий барқарорлик	1. Тижорат банклари фаолиятининг интеграл кўрсаткичлари бўлиб, банк молиявий-иқтисодий ҳолатини акс эттиради (ўз маблағлари ҳажми ва структураси, даромад ҳажми ва фойда миқдори, капиталга нисбатан фойда миқдори, ликвидлилик ва бошқалар). 2. Банклар молиявий операцияларини бошқаришда информацион-аналитик ва технологик қўллаб-қувватлаш
2.	Умумий барқарорлик	Тижорат банклари акционерлик капитали ҳажми билан аниқланади
3.	Тижорий (тижорат) барқарорлик	Тижорат банкларининг бозор инфратузилмасига мослашганлиги (банкларнинг давлат билан алоқаси, банклараро муносабатлардаги иштироки, кредиторлар, мижоз ва омонатчилар билан муносабатлар сифати, банкнинг ижтимоий аҳамияти ва бошқалар)
4.	Функционал барқарорлик	1. Банк ихтисослашуви бўйича 2. Банк универсаллашуви бўйича
5.	Ташкилий-структуравий барқарорлик	Банкнинг алоҳида фаолиятлари функционал-технологик ҳужжатлар асосида ташкил этилиши

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш методологиясини тадқиқ қилиш натижасида қатор олимлар хулосалари, турли банклар ва ташкилотлар тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди<sup>7</sup>:

<sup>6</sup>Муаллиф томонидан интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>7</sup>Артеменко В.Г., Белендир М.В. Финансовый анализ. – М.: ДИС, 1999. – с. 27.Ефимова О.В. Финансовый анализ. – М.: Бухгалтерский учет, 1999.Банковская система Российской Федерации и ее антикризисное регулирование: учеб.пособие / О.А. Тарасенко, Е.Г. Хоменко. – М.: Норма, 2009. – с.69. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fsi/guide/2006/pdf/rus/guide.pdf>; Рейтинг финансовой устойчивости

банклар барқарорликни тўлов қобилияти билан боғлайди ҳамда абсолют ва бир қанча кўрсаткичлар асосида улар молиявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутади;

банклар молиявий барқарорликни турли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, жумладан, капитал рентабеллиги кўрсаткичи, капиталнинг ялпи пасивлар ҳажмидаги улуши, шунингдек, молиявий барқарорликка баҳо беришда активлар структураси, рентабеллик, доимий ва ўзгарувчи харажатларни солиштириш орқали аниқлаш лозим;

банклар молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимига: ликвидлилик, активлар сифати, капиталнинг ҳолати ва даромадлиликни ўрганиш лозим;

Халқаро валюта фонди томонидан асосий ва тавсиявий характерга эга бўлган 39 та Молиявий барқарорлик (Financial Soundness Indicators – FSI) кўрсаткичларини чоп этади. 39 та молиявий барқарорлик индикаторларидан 12 таси асосий индикаторлар бўлса, 27 таси тавсиявий характерга эга индикаторлардир;

Moody's халқаро рейтинг агентлиги тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолашда асосий бешта кўрсаткичдан фойдаланмоқда. Булар: фойдалилик даражаси, ликвидлилик ҳолати, капиталнинг етарлилик даражаси, самарадорлик ва активлар сифати;

Россия Федерацияси тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методикалари натижасида Марказий банк (Россия банки), “Эксперт РА”, “РБК” рейтинг агентликлари маълумотлари деярли ўхшаш ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар асосида банклар молиявий барқарорлигини белгилаши аниқланди;

Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциацияси ҳузурида “Ahbor-reyting” рейтинг агентлиги тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолашда уларни “йирик”, “ўрта” ва “кичик” гуруҳларга ажратади. Таснифланган банклар активлари бўйича умумий активлари, активлар рентабеллиги (ROA), кредит портфели ва унинг сифати, ликвидлилик ҳолати, банк даромад ва харажатлари динамикаси, шунингдек, банк соф фойдаси, пасивлари бўйича, депозитлар таркиби, акционерлик капитали, капитал рентабеллик даражаси(ROE)ни ўрганади;

CAMELS рейтинг тизими АҚШ Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласи назоратчиси томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. CAMELS рейтинг тизими юқоридаги олти компонентлар асосида баҳоланади ҳамда энг кучли 1 балл, энг кучсиз 5 баллгача баҳо билан баҳоланади.

Диссертацияда тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таркибини икки гуруҳ, яъни ташқи ва ички омилларга бўлиб

---

банков: методологии присвоения рейтингов по глобальной шкале. Пер. с англ. – Moody's Investors Service, 2007. – С. 30.


ўрганилди. Уларнинг ҳар бири тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этиши ўрганилди ва тегишли хулосалар шаклланишига хизмат қилди.

Диссертациянинг “Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг амалий ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва маҳаллий тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бугунги ҳолатига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

Хорижий давлатлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан амалиётини ўрганиш мақсадида АҚШнинг Wells Fargo банки, Россия Федерациясининг Сбербанки ҳамда Хитой Халқ Республикасининг ICBC банкларини танлаб олинди ва таҳлил қилинди.

Мазкур тижорат банклари асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишдан аввал уларнинг баланси, яъни актив ва пассивлари таркибини 2014-2018 йиллар давомидаги кўрсаткич ва тенденциялари аниқланди. Натижада улардаги активлар таркибида қимматли қоғозлар билан билан операциялари ҳажми юқорилиги аниқланди. Шу билан бирга муаллиф айрим кўрсаткичлар ва уларнинг тенденцияларини келтиришга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари тижорат банклари активлари рентабеллик кўрсаткичининг таҳлилий маълумотлари келтирилади. Ж.Синкининг фикрича, активлар рентабеллик даражаси орқали банклар нафақат кредит, ликвидлик, операцион рисклари, балки банк фойдасига таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай рискка мазкур кўрсаткич орқали баҳо бериш мумкинлигини таъкидлаган.




**1-расм. Етакчи хорижий банкларда активлар рентабеллик кўрсаткичи<sup>8</sup>, фоизда**

Ж.Синкининг фикрича, мазкур кўрсаткичнинг меъёр даражаси 1 фоиз бўлса, нормал ҳолат ҳисобланади. Юқоридаги расм маълумотларидан таҳлил

<sup>8</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

қилинган барча тижорат банкларида 2016-2018 йилларда ушбу меъёрга тўлиқ амал қилинганлиги аниқланади. Шу билан мазкур банкларда рисклилик даражаси ҳам меъерий даражада бўлганлиги кўринади. Бу эса тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари активларининг рентабеллик даражаси билан бирга улар капитали рентабеллик даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Сабаби капитал рентабеллик даражаси банкнинг ҳар бир капиталига нисбатан олинган фойда миқдорини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.




## 2-расм. Етакчи хорижий банкларда капитал рентабеллик кўрсаткичи<sup>9</sup>, фоизда

Ж.Синкининг фикрича, мазкур кўрсаткичнинг меъёр даражаси 10 фоиз бўлса, нормал ҳолат ҳисобланади. Юқоридаги расм маълумотларидан барча тижорат банкларида мазкур меъёрга тўлиқ амал қилинганлиги аниқланади.

Тижорат банклари кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира миқдорининг банк активлари ўртача суммасига нисбати Жаҳон банки тавсиясига кўра 0,5 фоиз бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади.


3-расм маълумотларидан АҚШнинг Wells Fargo банки мазкур меъёр талабларини тўлиқ бажарганлиги кўринади. Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади, лекин Сбербанк ва ICBC банкларида эса мазкур кўрсаткич меъёр даражасидан юқори эканлиги кўринади. Муаллифнинг фикрича, тижорат банклари мазкур кўрсаткичларни доимий ўрганиб бориши, таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ. Бу ерда банклар кредит портфелини диверсификация қилиш, муаммоли кредитларнинг доимий мониторинг қилиш, активлар сифатини ошириб бориши тавсия этилади.

<sup>9</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.



### 3-расм. Етакчи хорижий банкларнинг кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира миқдорининг банк активлари ўртача суммасига нисбати<sup>10</sup>, фоизда

Тижорат банклари капиталининг активларига нисбати орқали улар фаолияти барқарорлиги юзасидан фикр билдириш мумкин. Мазкур нисбат Халқаро валюта фонди тавсиясига кўра, 10 фоизни ташкил этиши лозим.



### 4-расм. Етакчи хорижий банкларда капиталнинг активларга нисбати кўрсаткичи<sup>11</sup>, фоизда

Тижорат банклари капиталининг активларига нисбати 2018 йил якунларига кўра, АҚШнинг Wells Fargo банки ва Россиянинг Сбербанкида меъёр даражасида бўлганлиги, Хитой Халқ Республикасининг ICBC банкида 8,5 фоиз ташкил этгани кўринади.

Тижорат банклари активлари таркибини таҳлил қилиш натижасида банклар қимматли қоғозлар билан операциялари ва унинг салмоғини қуйидаги жадвал орқали солиштирма таҳлил қилишга уриниб кўриш мумкин.

<sup>10</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.




**Банкнинг қимматли қоғозлар билан операцияларининг  
активлардаги улуши<sup>12</sup>, фоизда**

№	Тижорат банклари	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Wells Fargo	27,6	28,1	29,1	28,4	29,8
2.	Сбербанк	9,7	12,1	10,7	12,1	11,9
3.	ICBC	24,1	27,5	26,4	26,3	27,4
4.	Миллий банк	0,9	1,5	0,8	0,5	0,2
5.	Ўзсаноатқурилиш банк	1,4	1,2	1,1	0,1	0,0
6.	Микрокредит банк	0,3	0,2	0,4	0,1	0,0
7.	Турон банк	0,0	0,0	0,2	0,1	0,0

Мазкур жадвал маълумотларидан, мамлакатимиз тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан операциялари улуши ниҳоятда паст эканлиги аниқланади. Шу боис, мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибини қайта кўриб чиқиши ва қимматли қоғозлар билан операциялар салмоғини ошириши мақсадга мувофиқ. Юқоридаги амалиёт эса охир-оқибат мамлакатимиз тижорат банклари даромадлилиги ва ликвидлиги ошиши ва улар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Навбатда маҳаллий тижорат банкларининг активлари рентабеллик даражаси таҳлили келтирилади.




**5-расм. Ўзбекистондаги банкларнинг активлар рентабеллик  
кўрсаткичи<sup>13</sup>, фоизда**

5-расм маълумотларидан 2018 йил якунларига кўра, Миллий ва Турон банкларида меъёр талаб даражасида бажарилгани кўринади. Шу билан бирга, Ўзсаноатқурилиш банк бир меъёрда 0,7 фоизни ташкил этган бўлса-да, лекин

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>13</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.


АТ Микрокредит банк активлари рентабеллик даражасининг тенденция волатиллиги жуда юқорилиги кўринади.



**6-расм. Ўзбекистондаги банкларнинг капитал рентабеллик кўрсаткичи<sup>14</sup>, фоизда**

6-расм маълумотларида банк капитали рентабеллик даражаси келтирилган бўлиб, фақат Миллий банкда меъёр даражасида бўлганлиги кўринади. Масалан, АТ Микрокредит банк активларида бўлгани каби капиталида ҳам волатиллик даражаси анча юқорилиги кўринади. 2014-2015, 2018 йилларда 0,2-2,1 фоиз ўртасида тебранган бўлса-да, лекин бу кўрсаткичларни нормал ҳолатда деб бўлмайди.

Энди маҳаллий тижорат банкларининг кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга ажратилган захира миқдорининг активлар ўртача суммасига нисбати таҳлил қилинади ва тенденцияларини аниқлашга ҳаракат қилинади.




**7-расм. Ўзбекистондаги банкларнинг кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира миқдорларининг банк активлари ўртача суммасига нисбати<sup>15</sup>, фоизда**

<sup>14</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>15</sup>Муаллиф томонидан банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

7-расм маълумотларидан фақат АТ Турон банкда меъёр талаблари даражасида бўлганлиги кўринади. Қолган барча тижорат банкларида мазкур кўрсаткич меъёр даражасидан анча юқорилиги кўринади. Албатта банклар мазкур ҳолатга катта эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда банкларда рисклилиқ даражаси ортгани сари охир-оқибатда банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.



### 8-расм. Ўзбекистондаги банклар капиталнинг активларга нисбати кўрсаткичи<sup>16</sup>, фоизда

8-расм маълумотларидан капиталнинг активларга нисбати меъёр даражасида 10 фоиз бўлишидан келиб чиққан ҳолда фақат Миллий банкда талаб бажарилмагани кўринади. Қолган тижорат банкларида мазкур кўрсаткич талаб даражасида бўлганлиги банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

